

Қуръони каримнинг 900 йиллик нусхаси топилди



14:40 / 19.12.2018 3119

Эрон Ислом Республикасининг Техрон шаҳридаги музейда Қуръони каримнинг 12 асрга тегишли нусхаси намойиш этилди. Бу ҳақда Ўзбекистон муслмонлари идораси Матбуот хизмати хабар берди.

Жорий йилнинг 16 декабрида Реза Аббосий музейида тадқиқотчилар ва қўлёзма мутахассислари иштирок этган анжуманда қадимий Мусҳаф кўздан кечирилди.

Ушбу нусха 1150 йилга тегишли бўлиб, хаттот Абул Фаҳр ибн Абилфазл ал Зафароний томонидан кўчирилган ва унга Зафароний нусхаси деб ном берилган.

Islom.uz портали таҳририяти